

## МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ НЕГИЗИ – ИНСОН ҚАДРИ



*Мирзаев Хуришидбек Халжўраевич*  
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*  
*Давлат хизматини ривожлантириш*  
*агентлигининг Андижон вилоят филиали инспектори*

*Аннотация:* Ушбу мақолада юртимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларнинг замирида инсон қадрини ҳақида сўз боради

*Калим сўзлар:* маъмурий ислоҳотлар, гоя, “ўтиш даври”, замонавий ахборот технологиялари, “янги нафас”

*Abstract:* This article talks about human value at the heart of the administrative reforms implemented in our country.

*Key words:* administrative reforms, idea, "transition period", modern information technologies, "new breath"

Ҳар бир соҳани ривожланишида ислоҳот яъни “янги нафас” муҳим ҳисобланади. Ислоҳот – ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир томони (*тартиблар, идоралар, муассасалар*)ни ўзгартириш ёки қайтадан тузиш ҳисобланади. Ислоҳот расман ҳар қандай мазмундаги янгиликни жорий этиш ҳисоблансада, аслида ислоҳот дейилганда, кўп ёки оз даражадаги қайта ўзгартириш назарда тутилади. Тарихдан маълумки, буюк кашфиётлар, ихтиролар ҳам айнан соҳавий ислоҳотлар натижасида юзага келган. Ислоҳот вазиятга қараб тадрижий тарзда, босқичма-босқич амалга оширилса муваффақиятли бўлади.

Ўзбекистонда ҳам ҳар бир соҳада кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Шу жумладан, давлат бошқарувида ҳам. Бу тўғрисида 2022 йил 20 декабрь куни давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида давлат бошқарувида ҳам ислоҳотларни амалга ошириш вақти келгани, бунда ихчам, самарали давлат бошқарув тизимига ўтиш лозимлиги таъкидланди.

Мурожаатномадан бир кун ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармони ҳамда “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сон Қарори имзоланди.

Кўпчиликда ўзи нега давлат хизматини ислох қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Бунга қуйидагича жавоб беришимиз мумкин: *Давлат хизматини ислох қилиш орқали давлат хизматининг самарадорлигини ва демократик характерини ошириш, давлат хизмати соҳасини янада яхшилаш, давлат хизматчиларнинг масъулиятини оширишга эришамиз. Давлат хизматининг самарали ислохотларини ишлаб чиқиш жуда мураккаб вазифа бўлса-да, лекин бунинг натижасида тизимда коррупцияга қарши курашиш, қарор қабул қилиш ва масалани кўриб чиқиш жараёнларини соддалаштириш мумкин.*

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг “ўтиш даври”да тизимни йўлга қўйиш учун давлат бошқарувидаги ходимларнинг сон жиҳатдан кўплиги муҳим ҳисобланган.

Халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, 1959 йилда Сингапур давлат хизматида маъмурий ислохот ўтказди. Мазкур ислохотга асосан, давлат хизматидаги самарасиз низом ва қоидалар бекор қилинди, янги низомлар ишлаб чиқилди. Бошқарув раҳбарларининг давлат хизматчиларига ўзлари ҳалоллик, одоб-ахлоқ нуқтаи назардан намуна бўлиши мустаҳкамланди. Ташқи иқтисодий таҳдидларга янги ихтиролар орқали жавоб қайтариш, таълимни яхшилаш, давлат хизматига очик, адолатли, меритократия ва барча учун тенг имкониятлар тамойили асосида ишга қабул қилиш, қийин қарорларни қабул қилишда қатъийликни ишга солиш каби янги номаларни жорий этди. Бу Сингапурнинг чинакам маънодаги ютуғлари эди.

Ахборотлар алмашунивининг тезлашиши, сунъий интеллект технологияларини ривожланиши бевосита замонавий, ихчам давлат

бошқарувига ўтишни тақозо этмоқда. Шу сабабдан ҳам мамлакатимизда давлат бошқаруви соҳасида маъмурий ислохотлар амалга ошириш бошланди. Ислохотлар натижасида ижро этувчи ҳокимият органларининг сонини 61 тадан 28 тагача, шу жумладан вазирликлар сонини 25 тадан 21 тагача қисқартирилди. Давлат хизматчилари сонини босқичма-боқич 30-35 фоизга, раҳбар лавозимларини 30 фоизгача мақбуллаштириш ва адолатли меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш кўзда тутилган.

Мазкур жараёнда биринчи навбатда давлат хизматчилари ўз ишини мукамал билиши, замонавий ахборот технологиялари ва хорижий тилларни пухта эгаллаши, ўзининг компетенцияларини мунтазам ошириб бориш, ҳалол бўлиш, ўз лавозим мажбуриятларини ҳеч бир манфаатларсиз бажариш каби талабларга жавоб беришлари зарур.

Мамлакатимизда мазкур соҳадаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, сўзсиз, инновацион ривожланишнинг замонавий тенденциялари ва жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимини модернизация қилишга янги куч бағишлайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотларнинг амалга оширилиши “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган улуғвор ғояни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон фармони
2. Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сон қарори .